O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2009 йил 27 ноябрь ЖУМА
№ 95 (12.211)

1928 йил 11 декабрда асос солинган ● Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ● Эркин нархда сотилади
www.th.uz

*Тақдимот*

## ЎЗБЕКИСТОНДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН САМОЛЁТ ПАРВОЗДА

**"O'zbekiston havo yo'llari" миллий авиакомпанияси авиапаркига ўзимизда ишлаб чиқарилган яна битта янги модификациядаги "Ил-114-100" самолёти қўшилди.**

Пойтахтимиздаги "Тошкент" аэропортининг учиш-қўниш йўлагига авиалайнер келиб қўнди. Уни "В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси" давлат акциядорлик жамиятидан миллий авиакомпаниямиз учувчилари олиб келди. Ҳаво кемасини тантанали топшириш маросимида Ўзбекистон Республикаси Давлат авиация назорати, "O'zbekiston havo yo'llari" миллий авиакомпанияси, "В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси" давлат акциядорлик жамияти вакиллари иштирок этди.

"O'zbekiston havo yo'llari" миллий авиакомпанияси "Ил-114-100" ҳаво кемаларидан бир неча йиллардан буён самарали фойдаланиб келмоқда. Ушбу самолётни ишлаб чиқаришда авиаташишлар бўйича замонавий бозорнинг барча талаблари ҳисобга олинган ва у учиш-техник ва иқтисодий жиҳатларининг уйғунлиги билан ажралиб туради. Самолёт авиаёқилғини сарфлаш бўйича ниҳоятда тежамкорлик хусусиятига эга.

"В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси" давлат акциядорлик жамиятида ишлаб чиқарилган ушбу қулай лайнер тўлиқ модернизация қилинган. У синовдан муваффақиятли ўтди.

Экипаж кабинасига, жумладан, бошқарув ускуна ва пультларини жойлаштиришга ўзгартишлар киритилган. Приборлар тахтаси дисплейларидаги кўрсаткичлар рангларининг аниқлиги янада яхшиланган. Янги ускуна аввалгиларидан ихчамлиги ва енгиллиги билан фарқ қилади. Бу салон радиоотсекида қўшимча жой бўшатиш ва ундан йўловчилар кийимларини осиш учун фойдаланиш имконини берди. Буларнинг барчаси самолёт вазнини 430 килограмм камайтиришга имкон яратди ва бу олис масофага парвоз қилишда муҳим аҳамият касб этади. Ҳаво намлигини сақлаш ва шамоллатиш тизими узлуксиз ишлайди, бу бизнинг шароитимизда ниҳоятда муҳимдир.

52 нафар йўловчига мўлжалланган ушбу самолёт 1250 километр масофага соатига 500 километр тезликда учади. Фойдаланилаётган авиадвигателларнинг ёқилғи самарадорлиги ҳаво кемасига бошқа ишлаб чиқарувчиларнинг шундай русумдаги самолётлари билан рақобатлашиш имконини беради. Ундан республикамиз ичида ва МДҲ мамлакатларига мунтазам парвозларни амалга оширишда фойдаланилади.

Ўзимизда ишлаб чиқарилган "Ил-114-100" ҳаво кемалари "O'zbekiston havo yo'llari" миллий авиакомпанияси томонидан бажарилаётган парвозлар чоғида сервис хизматларини яхшилаш ва қулайликни оширишга хизмат қилади. Миллий авиакомпания яна тўртта шундай самолёт олиш ниятида.

**В. НИКОЛАЕВ,**
**ЎзА мухбири.**





Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича Концепция ҳамда Марказий сайлов комиссиясининг 2009 йил 16 октябрдаги




## БИР ХИЛ ШАРОИТ ВА ТЕНГ ИМКОНИЯТЛАР

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловини ўтказувчи округ ва участка сайлов комиссиялари аъзолари учун семинар-йиғилишларини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловини ўтказувчи округ ва участка сайлов комиссиялари аъзоларини миллий сайлов қонунчилигимизга оид назарий билим савиясини юксалтириш, округ ва участка сайлов комиссиялари фаолиятини ташкил этиш бўйича амалий иш тажрибаларини мустаҳкамлаш ва сайловни юксак демократик даражада уюшқоқлик билан ўтказишни таъминлаш мақсадида мамлакатимизнинг барча минтақаларида алоҳида режага мувофиқ семинар-йиғилишлар ташкил қилинмоқда.

Шундай семинар-йиғилишлар Олмалиқ шаҳрининг «Кимёгарлар» маданият саройида ва Ўртачирчиқ туманидаги Вилоят маънавият ва маърифат марказида ҳам бўлиб ўтди. Иккинчи семинар-йиғилишда Марказий сайлов комиссияси раиси Мирзо-Улуғбек Абдусаломов маъруза билан иштирок этди.

Семинар-йиғилишда Тошкент вилояти, туман ва шаҳар сайлов комиссиялари раис ва котиблари, тегишли ҳудудда фаолият юритаётган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига депутатлар сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссияларининг, шунингдек, участка сайлов комиссияларининг раислари, вилоят ташкилотлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Ўтказилган семинар-йиғилишда иштирок этувчиларга миллий сайлов қонунчилиги, сайлов тўғрисидаги халқаро стандартлар, бу борадаги хорижий тажриба ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутатлар сайловини ўтказувчи округ ва участка сайлов комиссиялари ишини ташкил қилиш масалаларига бағишланган маърузалар қилинди, тегишли саволларга жавоблар қайтарилди.

**СУРАТЛАРДА:** семинар-йиғилишлардан лавҳалар.

**Даврон АҲМАД ва Собир ЗУФАРОВ олган суратлар.**





*Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ*

## 2009 ЙИЛ 5 ДЕКАБРЬ ШАНБА ДАМ ОЛИШ КУНИНИ 2009 ЙИЛ 7 ДЕКАБРЬ ДУШАНБАГА КЎЧИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кунини нишонлаш муносабати билан ҳамда аҳолининг дам олиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва иш вақтидан оқилона фойдаланиш мақсадида:

2009 йил 5 декабрь шанба дам олиш куни 2009 йил 7 декабрь душанбага кўчирилсин.

5 декабрь шанба куни иш куни деб эълон қилинсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри, 2009 йил 25 ноябрь.

*Вилоят сайлов комиссиясида*

**Вилоят сайлов комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлди. Халқ депутатлари Тошкент вилоят кенгаши депутатлигига номзодларни рўйхатга олиш масаласи кўриб чиқилди.**

## ДЕПУТАТЛИККА НОМЗОДЛАР РЎЙХАТГА ОЛИНДИ

"Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов тўғрисида"ги Қонуннинг 22-моддасига биноан Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, Ўзбекистон халқ демократик партияси вилоят кенгашлари томонидан халқ депутатлари Тошкент вилояти кенгаши депутатлигига кўрсатилган номзодларни рўйхатга олиш учун тақдим этилган ҳужжатлар ўрганиб чиқилди. Улар қонунчилик талабларига мувофиқлиги аниқланди ва кўрсатилган номзодларни рўйхатга олиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Рўйхат газетада эълон қилинмоқда.

**Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетида шоир ва ёзувчилар билан учрашув бўлиб ўтди.**

## ОЛИЙГОҲДА УЧРАШУВ

Унда шоир ва журналист Воҳид Луқмонов, Нодир Жонузоқов, ёзувчи-таржимон Ғайрат Саъдуллаев ҳамда болалар шоири Ориф Тўхташ талабалар билан дилдан суҳбатлашди.

Тадбир сўнггида меҳмонлар талабалар турар-жойи кутубхонаси билан танишиб, эсдалик учун ўз китобларини тақдим этишди.

**"Туркистон-пресс".**

## ТАДБИР СЎНГГИДА КЎРГАЗМА

**Халқ таълими вазирлигига қарашли Республика мусиқа ва санъатга ихтисослаштирилган мактаб-интернатида "Касбим – менинг фахрим" деб номланган маърифий тадбир бўлиб ўтди.**

Анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган мазкур тадбирдан кўзланган мақсад, ёш авлодни ҳар томонлама комил инсон, юртига садоқатли фарзанд қилиб тарбиялашдан иборат.

Тадбир доирасида мактаб-интернатида таҳсил олаётган иқтидорли ўқувчилар ижод намуналаридан иборат кўргазма йиғилганлар эътиборига ҳавола этилди.

## БИЛИМЛАР МУСТАҲКАМЛАНДИ

**Тошкентда "Мен ва менинг ҳуқуқларим" мавзусида иккинчи республика болалар форуми бўлиб ўтди.**

Форумда иштирокчилар "Бола ҳуқуқларига оид асосий тушунчалар ва ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар", "Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция", "Ёш авлоднинг ҳуқуқий кафолатларини таъминлаш борасидаги миллий қонунчилигимиз", "Мураккаб вазиятдаги болаларни ҳуқуқий ҳимоялашнинг кафолатлари" каби мавзуларда ўз билимларини намойиш этишди.

**"Туркистон-пресс".**

## ЯРМАРКА ИШ БОШЛАДИ

**"Ўзкимёсаноат" давлат акциядорлик компаниясининг мунтазам фаолият кўрсатадиган ярмарка-кўргазма марказида минерал ўғитлар, дефолиантлар ва бошқа кимёвий маҳсулотлар, шунингдек, тармоқ корхоналари томонидан ишлаб чиқарилаётган халқ истеъмол товарларини сотиш бўйича анъанавий ярмарка-савдоси иш бошлади.**

Айни пайтда "Ўзкимёсаноат" давлат акциядорлик компанияси корхоналарида турли минерал ўғитлар, сунъий тола, полимер материаллар, ноорганик моддалар, энергетика, олтин қазиб олиш ва енгил саноат учун резина-техника буюмлари, кимёвий реагентлар, қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ўсимликларни кимёвий ҳимоя қилиш воситалари, дефолиантлар, плёнка – жами 250 турдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Ўнлаб турдаги бундай маҳсулотлар кўплаб давлатларга экспорт қилинмоқда.

Бу галги ярмаркада тармоқнинг барча корхоналари иштирок этмоқда. Унда минерал ўғитлар – аммофос, суперфосфат, нитрокальций фосфорли ўғит ва сульфат аммоний, бошқа турли хил кимё маҳсулотлари ва халқ истеъмол товарлари, шунингдек, карбамид-аммиак аралашмаси, азот-фосфорли ўғит, суюқ суспензияланган фосфорли селитра, калий селитра каби янги турдаги кимё маҳсулотлари ва минерал ўғитлар ҳам намойиш этилмоқда. Савдо якунлари бўйича қарийб 210 миллиард сўмлик шартнома тузилиши кутилмоқда.

Ярмаркада намойиш этилаётган маҳсулот ва товарлар мамлакатимиздаги кўплаб тармоқлар вакиллари – харидорларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

**ЎзА.**

2010 йил учун
ОБУНА
давом этмоқда
ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ газетасининг индекси – 205.



*Вилоят ҳокимлигида*

## ВАЗИФА АНИҚ, ЧОРАЛАР ТАЙИН

**Шу кунларда жаҳон матбуоти орқали А/H1N1 гриппи ер юзи бўйлаб кенг тарқалиб бораётгани ҳақидаги ташвишли хабарлар тарқатилмоқда. Сўнгги маълумотларга қараганда, Шимолий ва Жанубий Америка, Европа, Австралия ҳамда Осиёдаги 164 дан зиёд мамлакатда бу эпидемия қайд қилинган. Ҳозиргача бу касалликни 442 минг 234 киши юқтириб олганлиги маълум. Уларнинг 6 минг 51 нафари А/H1N1 гриппи хасталиги билан ҳаётдан кўз юмган.**

Ўзбекистонда А/H1N1 гриппи қайд этилмаган. Аммо бу беларво бўлиш эмас, балки ҳушёрликни янада оширишга даъват этади. Халқимизда "Касалликни даволашдан кўра, олдини олган афзал", деган ҳикмат бор. Шу мақсадда мамлакатимизга бу касаллик кириб келишининг олдини олиш борасида давлатимиз томонидан тегишли чора-тадбирлар амалга оширилаяпти.

Хусусан, вилоятимизда шу йўналишда кенг қамровли ишлар олиб борилаётир. Бироқ, бу ҳали етарли эмас. Вилоят ҳокимлигида бўлиб ўтган йиғилишда шу ҳақда сўз борди. Мажлисда вилоят идоралари, туман ва шаҳар халқ таълими бўлимлари, тиббиёт бирлашмалари, бошқа ташкилотларнинг вакиллари иштирок этди.

Йиғилишни вилоят ҳокими ўринбосари Содиқ Абдуллаев олиб борди.

Вилоят давлат санитария-эпидемиология назорати маркази бош врачи Баҳром Алматов иштирокчиларга А/H1N1 гриппи хасталиги кириб келишининг олдини олиш мақсадида амалга оширилаётган ишлар ҳақида ахборот берди.

– Айни кунларда вилоятимизнинг чегарадош мамлакатларга ўтиш жойларида 5 та санитария-назорат пункти фаолият кўрсатаяпти, – деди маърузачи. – Ҳар куни 16-18 нафардан зиёд тиббиёт ходими вилоятимизга кириб келаётган йўловчилар ҳамда транспорт воситаларини тиббий кўрикдан ўтказаяпти. 30 апрелдан 4 ноябргача бу пунктлар орқали 18 минг 507 та транспорт воситаси, 244 минг 377 йўловчи ўтганлиги қайд этилган. Назорат-кузатув ишларига эътибор яна ҳам кучайтирилаяпти.

Йиғилишда, шунингдек, мавсумий гриппга қарши жойларда олиб борилаётган ишлар ҳам таҳлил қилинди. Таъкидландики, Янгийўл, Оққўрғон, Бўка, Чиноз туманларида унинг олдини олиш борасидаги санитария талаблари бажарилмаган. Умумтаълим мактабларида хлорли зарарсизлантириш ишлари олиб борилмаган. Бўка туманидаги бозор ва савдо дўконларида, 5-, 8-умумтаълим мактаблари, агросаноат касб-ҳунар коллежида ўқувчиларни эмлаш ва хлорли зарарсизлантириш талаб даражасида эмас. Бундай ҳолатлар Чиноз, Зангиота, Бекобод, Ўртачирчиқ, Оҳангарон туманларида ҳам кузатилмоқда. Йўловчи ташиш транспорти воситаларида ҳам бу борада муаммолар етарли эканлиги қайд этилди.

Йиғилишда А/H1N1 гриппининг олдини олиш борасидаги тадбирларни янада кучайтириш ҳамда мавсумий грипп касаллигини бартараф этиш чора-тадбирлари кўзда тутилган қарор қабул қилинди.

**Улуғбек ҲАМРОҚУЛОВ,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

*Кўргазма*

## ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ НАМОЙИШИ

**"Ўзэкспомарказ"да қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат маҳсулотлари ва мазкур соҳаларга оид янги технологияларнинг "Uzagroexpo – 2009" бешинчи халқаро кўргазмаси бошланди.**

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, Фермер хўжаликлари, Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати уюшмалари ҳамкорлигида ташкил этилди.

Анъанавий тарзда ташкил этиб келинаётган қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари халқаро кўргазмаси юртимизда мева-сабзавотни қайта ишлаш, гўшт, сут, нон, қандолат, ёғ маҳсулотлари ҳамда чанқовбосди ичимликлар ва шарбатлар ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи корхоналар сонининг ортишига хизмат қилмоқда.

Мазкур кўргазмада юртимизда фаолият юритаётган ўттиздан ортиқ компания ўз маҳсулотларини намойиш этмоқда. "Viniks" компанияси кўргазмада ресторан, меҳмонхона, овқатланиш шохобчаларига мўлжалланган 50 дан ортиқ турдаги жиҳозларни тақдим этмоқда. "Мар-пласт" компанияси эса турли хил ўлчамлардаги бежирим полиэтилен маҳсулотларини, "А. Алиев" хусусий корхонаси эса ўсимликларни озиқлантирувчи кальций, магний каби маҳсулотларни таклиф этмоқда.

Ўзбекистондаги қулай сармоявий муҳит хорижий давлатлар билан савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада кенгайтиришда, замонавий технологияларни ўзлаштиришда муҳим омил бўлмоқда. Мазкур кўргазмада Германия, Украина, Беларусь, Ҳиндистон, Италия, Польша, Туркия, Эрон, Латвия, Нидерландия, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон каби йигирмага яқин мамлакатдан етмишдан ортиқ компания ўз маҳсулотлари билан иштирок этаётгани бунинг далилидир.

Кўргазмада қишлоқ хўжалиги техникаси ва ускуналари, озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш, паррандачилик, чорвачилик, чорва моллари озуқаси ва агрокимё соҳаларида қўлланиладиган воситаларга кенг ўрин ажратилган.

Мамлакатимиз озиқ-овқат саноати ва қишлоқ хўжалиги тармоқлари ривожига хизмат қиладиган мазкур кўргазма фермер хўжаликлари, озиқ-овқат ва қайта ишлаш саноати корхоналари вакиллари учун ўзаро фойдали шартномалар имзолаш имконини беради.

**Сайёра ШОЕВА,**
**ЎзА мухбири.**

*Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашига сайлов ўтказувчи вилоят сайлов комиссиясининг*
*ҚАРОРИ*

# Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши депутатлигига номзодларни рўйхатга олиш тўғрисида

Вилоят сайлов комиссиясига Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" Демократик партияси, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент вилояти кенгашлари томонидан Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши депутатлигига номзодларни рўйхатга олиш учун тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги Қонуни 11, 24-моддаларига мувофиқ вилоят сайлов комиссияси

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши депутатлигига номзодлар этиб қуйидагилар рўйхатга олинсин:

| Сайлов округи номи | Депутатликка номзоднинг фамилияси, исми, отасининг исми | Туғилган йили | Партияга мансублиги | Иш жойи ва лавозими | Яшаш манзили | Номзод этиб кўрсатган ташкилот |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 |
| **1-Ангрен** | Анарбаев Салим Махмудович | 1981 | Ўз "Адолат" СДП | «Камолот» ЁИҲ Ангрен шаҳар бўлими Кенгаши раиси | Оҳангарон тумани | Ўз "Адолат" СДП вилоят Кенгаши |
| | Гафуров Базарбай Мирхаликович | 1960 | ЎзМТДП | Янгиобод йўл қурилиш бошқармаси цех бошлиғи | Ангрен шаҳри | ЎзМТДП вилоят Кенгаши |
| | Карабаев Эсанали | 1953 | ЎзХДП | Ангрен шаҳар Халқ таълими бўлими мудири | Ангрен шаҳри | ЎзХДП вилоят Кенгаши |
| | Юнусов Абдулла Тимурович | 1962 | ЎзЛиДеП | Ангрен шаҳар ҳокими | Тошкент шаҳри | ЎзЛиДеП вилоят Кенгаши |
| **2-Талабалар** | Дусбаев Насибали Гаппарович | 1961 | Ўз "Адолат" СДП | Ангрен шаҳар хўжалик ҳисобидаги Архитектура режалаштириш топшириғи ИЧ гуруҳ раҳбари | Ангрен шаҳри | Ўз "Адолат" СДП вилоят Кенгаши |
| | Егамбердиева Инобат Исмаиловна | 1965 | ЎзЛиДеП | Ангрен шаҳар «Нуробод» шифохонаси бош врачи | Ангрен шаҳри | ЎзЛиДеП вилоят Кенгаши |
| | Усаров Фахритдин Умаралиевич | 1964 | ЎзМТДП | Тошкент вилояти давлат педагогика институти ўқитувчиси | Ангрен шаҳри | ЎзМТДП вилоят Кенгаши |
| | Хурсанов Хамрокул Пардаевич | 1956 | ЎзХДП | "Ўзбеккўмир" ҲЖ раиси | Тошкент шаҳри | ЎзХДП вилоят Кенгаши |
| **3-Нурчи** | Назарова Наргиза Абдужалиловна | 1972 | ЎзХДП | Ангрен шаҳар ҳокими ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси | Ангрен шаҳри | ЎзХДП вилоят Кенгаши |
| | Нарбаева Мукадам Халдыбековна | 1963 | ЎзЛиДеП | ЎзЛиДеП Ангрен шаҳар Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари | Ангрен шаҳри | ЎзЛиДеП вилоят Кенгаши |
| | Райева Махбуба Мамасалиевна | 1965 | Ўз «Адолат» СДП | Ангрен шаҳар Халқ таълими бўлими услубият хонаси мудири | Ангрен шаҳри | Ўз «Адолат» СДП вилоят Кенгаши |
| | Сайдуллаев Абдужапар Кадырович | 1960 | ЎзМТДП | Ангрен шаҳар «3-кўчма механизациялашган колонна» МЧЖ раҳбари | Ангрен шаҳри | ЎзМТДП вилоят кенгаши |
| **4-Кончи** | Абидов Александр Мамурович | 1955 | ЎзЛиДеП | "Янги Ангрен иссиқлик станцияси" ОАЖ директори | Ангрен шаҳри | ЎзЛиДеП вилоят Кенгаши |
| | Джумакулов Сабиржан Турсунбаевич | 1960 | ЎзМТДП | 14-сонли Ангрен шаҳар умумий ТМЭК раиси | Тошкент шаҳри | ЎзМТДП вилоят Кенгаши |
| | Урунбаев Алиқул Салибоевич | 1962 | ЎзХДП | Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати | Тошкент шаҳри | ЎзХДП вилоят Кенгаши |
| | Эралиева Зарифа Ашуровна | 1962 | Ўз "Адолат" СДП | Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими раиси ўринбосари | Тошкент шаҳри | Ўз "Адолат" СДП вилоят Кенгаши |
| **5-Металлург** | Бердимуратов Пўлат Сайдулла ўғли | 1984 | ЎзЛиДеП | ЎзЛиДеП Бекобод шаҳар Кенгаши раиси | Бекобод тумани | ЎзЛиДеП вилоят Кенгаши |
| | Нурутдинов Алик Саидович | 1957 | ЎзХДП | "Ўзметкомбинат" АИЧБ раҳбари | Бекобод шаҳри | ЎзХДП вилоят Кенгаши |
| | Чинтошев Абдурахим Абдуқаххорович | 1969 | ЎзМТДП | "Ипотекабанк" акциядорлик-тижорат ипотека банки Бекобод филиали бошқарувчиси | Бўка тумани | ЎзМТДП вилоят Кенгаши |
| **6-Фарҳод** | Абдуллаева Гулбахор Абдунабиевна | 1970 | Ўз "Адолат" СДП | Бекобод шаҳар Саноат КҲК директори ўринбосари | Бекобод шаҳри | Ўз "Адолат" СДП вилоят Кенгаши |
| | Кузибаев Авазбек Джаббаркулович | 1962 | ЎзЛиДеП | Бекобод шаҳар "Элнур" хусусий ишлаб чиқариш фирмаси раҳбари | Бекобод тумани | ЎзЛиДеП вилоят Кенгаши |
| | Сангинов Мухаммади | 1951 | ЎзМТДП | ЎзМТДП Бекобод шаҳар Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси | Бекобод шаҳри | ЎзМТДП вилоят Кенгаши |
| | Туйчиев Алим Исмаилович | 1965 | ЎзХДП | "Ўзметкомбинат" АИЧБ электрда пўлат эритиш цехи пўлат эритувчиси | Бекобод шаҳри | ЎзХДП вилоят Кенгаши |
| **7-Наврўз** | Абдулхакимова Новбахор Тойиржоновна | 1969 | ЎзМТДП | Олмалиқ шаҳар ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси | Олмалиқ шаҳри | ЎзМТДП вилоят Кенгаши |
| | Джураев Бахтияр Ҳайдарович | 1944 | ЎзХДП | "Ўзтрансгаз" АК "Тошкентгазтаъминот" УК Олмалиқ филиали бошлиғи | Тошкент шаҳри | ЎзХДП вилоят Кенгаши |
| | Кучкаров Сапарали Холбутаевич | 1963 | Ўз "Адолат" СДП | "Олмалиқ ТКМК" ОАЖ Мис эритиш заводи механик таъмирлаш цехи бошлиғи | Олмалиқ шаҳри | Ўз "Адолат" СДП вилоят Кенгаши |
| | Тапилов Тургунбай | 1952 | ЎзЛиДеП | ЎзЛиДеП Олмалиқ шаҳар Кенгаши раиси | Олмалиқ шаҳри | ЎзЛиДеП вилоят Кенгаши |
| **8-Олмалиқ** | Қодирова Севара Норзуллаевна | 1965 | ЎзХДП | Олмалиқ шаҳар 19-мактаб директори | Олмалиқ шаҳри | ЎзХДП вилоят Кенгаши |
| | Фарманов Александр Касымович | 1958 | ЎзЛиДеП | "Олмалиқ ТКМК" ОАЖ бошқаруви раиси | Бекобод шаҳри | ЎзЛиДеП вилоят Кенгаши |
| **9-Кимёгар** | Ирғашева Манзира Маннаповна | 1960 | Ўз «Адолат» СДП | Олмалиқ шаҳар «Аммофос-Максам» ОАЖ аппаратчиси | Олмалиқ шаҳри | Ўз «Адолат» СДП вилоят Кенгаши |
| | Ким Аля | 1951 | ЎзМТДП | "Сардоникс" жамияти раиси | Олмалиқ шаҳри | ЎзМТДП вилоят Кенгаши |
| | Содиков Баходир Багирович | 1964 | ЎзЛиДеП | "Аммофос" ОАЖ директори | Олмалиқ шаҳри | ЎзЛиДеП вилоят Кенгаши |
| | Эргашева Дилфуза Бегматовна | 1964 | ЎзХДП | Олмалиқ шаҳар 80-махсус мактаб-интернат раҳбари ўринбосари | Олмалиқ шаҳри | ЎзХДП вилоят Кенгаши |
| **10-Оҳангарон** | Камилов Шавкат Эсонович | 1972 | ЎзЛиДеП | Оҳангарон шаҳри "Гули-Лола" хусусий корхонаси раҳбари | Оҳангарон шаҳри | ЎзЛиДеП вилоят Кенгаши |
| | Назарова Лазокат Халбаевна | 1955 | ЎзМТДП | Оҳангарон шаҳар цемент комбинатида бўлим бошлиғи | Оҳангарон шаҳри | ЎзМТДП вилоят Кенгаши |
| | Саидкаримов Музаффар Уринходжаевич | 1974 | ЎзХДП | "Оҳангарон Осиё савдо" МЧЖ бош директори | Оҳангарон шаҳри | ЎзХДП вилоят Кенгаши |
| | Уралов Аблаз Баркинович | 1952 | Ўз "Адолат" СДП | Оҳангарон шаҳар газ тўлдириш станцияси бошлиғи | Оҳангарон шаҳри | Ўз "Адолат" СДП вилоят Кенгаши |
| **11-Чирчиқ** | Асадов Илхом Содикович | 1960 | ЎзХДП | Чирчиқ шаҳридаги "Ўзбекистон қаттиқ қотишмалар ва ўтга чидамли металлар комбинати" ОАЖ бошқарув раиси | Чирчиқ шаҳри | ЎзХДП вилоят Кенгаши |
| | Жумаев Йулдош Эргашович | 1961 | Ўз "Адолат" СДП | Чирчиқ шаҳар академик лицей директори | Чирчиқ шаҳри | Ўз "Адолат" СДП вилоят Кенгаши |
| | Ташметова Фарида Кахрамановна | 1963 | ЎзЛиДеП | Чирчиқ шаҳар «Ўзбеккимёмаш» ОАЖ цех бошлиғи | Чирчиқ шаҳри | ЎзЛиДеП вилоят Кенгаши |
| **12-Саноатчилар** | Икрамов Махамадолим Каримович | 1966 | ЎзМТДП | Чирчиқ шаҳри "Санъат" хусусий фирмаси раҳбари | Қибрай тумани | ЎзМТДП вилоят Кенгаши |
| | Марайимов Бахтиёр Зикирблаевич | 1956 | Ўз "Адолат" СДП | Хусусий тадбиркор | Қибрай тумани | Ўз "Адолат" СДП вилоят Кенгаши |
| | Назиров Улугбек Хикматуллаевич | 1966 | ЎзЛиДеП | Чирчиқ шаҳридаги "AXIS-ATLANT" МЧЖ раҳбари | Чирчиқ шаҳри | ЎзЛиДеП вилоят Кенгаши |
| | Розиев Бахтияр Рискимович | 1953 | ЎзХДП | "Ўзбеккимёмаш заводи" ОАЖ бош директори | Чирчиқ шаҳри | ЎзХДП вилоят Кенгаши |
| **13-Кимёгарлар** | Аббасова Гуль-Чехра Халисовна | 1955 | Ўз "Адолат" СДП | Тошкент вилояти Истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш бирлашмаси раиси | Қибрай тумани | Ўз "Адолат" СДП вилоят Кенгаши |
| | Сайдахмедов Хотам Анварович | 1957 | ЎзЛиДеП | Чирчиқ шаҳар "Максам-Чирчиқ" ОАЖ бошқаруви раиси | Чирчиқ шаҳри | ЎзЛиДеП вилоят Кенгаши |
| | Утамуратова Наталья Валентиновна | 1969 | ЎзХДП | "Чирчиққишлоқхўжаликмаш" корхонаси 2-цехи пармаловчиси | Чирчиқ шаҳри | ЎзХДП вилоят Кенгаши |
| **14-Трансформаторчилар** | Байметов Миллавай Тургунович | 1956 | Ўз "Адолат" СДП | Тошкент вилояти Шошилинч тиббий ёрдам маркази директори ўринбосари | Чирчиқ шаҳри | Ўз "Адолат" СДП вилоят Кенгаши |
| | Жураев Абдимумин Ганиевич | 1962 | ЎзМТДП | "Чирчиқсантехгазмонтаж" МЧЖ раҳбари | Чирчиқ шаҳри | ЎзМТДП вилоят Кенгаши |
| | Имомбердиева Ражаббуви Бижановна | 1958 | ЎзЛиДеП | Чирчиқ шаҳар "Дилчеҳра" хусусий фирмаси директори | Қибрай тумани | ЎзЛиДеП вилоят Кенгаши |
| | Сидиков Дамир Лутфуллаевич | 1970 | ЎзХДП | Чирчиқ шаҳри Тиббиёт КҲК раҳбари | Қибрай тумани | ЎзХДП вилоят Кенгаши |
| **15-Янгийўл** | Джурабекова Паридахон | 1954 | ЎзХДП | Янгийўл шаҳар "Мезон" МФЙ раиси | Янгийўл шаҳри | ЎзХДП вилоят Кенгаши |
| | Касимов Аваз Ахралович | 1952 | Ўз "Адолат" СДП | Янгийўл шаҳар "Авесто Шамс" хусусий корхонаси раҳбари | Тошкент шаҳри | Ўз "Адолат" СДП вилоят Кенгаши |
| | Махмудова Юлдуз Уткировна | 1970 | ЎзЛиДеП | Янгийўл шаҳридаги "Ғишт инвест" МЧЖ раҳбари ўринбосари | Янгийўл шаҳри | ЎзЛиДеП вилоят Кенгаши |
| | Саидрахмонов Саидкарим Саидахмедович | 1971 | ЎзМТДП | "Тошкентдонмаҳсулотлари" ОАЖ бош муҳандиси | Янгийул шаҳри | ЎзМТДП вилоят Кенгаши |
| **16-Янги ҳаёт** | Баходиров Жахонгир Ботиралиевич | 1971 | ЎзМТДП | Янгийўл шаҳридаги коробка-картон ишлаб чиқарувчи корхона раҳбари | Янгийўл шаҳри | ЎзМТДП вилоят Кенгаши |
| | Тагаев Баходир Анарбаевич | 1960 | Партиясиз | Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти Тошкент вилояти филиали раҳбари | Тошкент шаҳри | ЎзЛиДеП вилоят Кенгаши |
| | Уринбаев Одилжон Базарбаевич | 1958 | ЎзХДП | Янгийўл Технология-иқтисодиёт КҲК раҳбари | Янгийўл шаҳри | ЎзХДП вилоят Кенгаши |
| **17-Бекобод** | Байматова Гавхар Анарқуловна | 1975 | ЎзЛиДеП | Бекобод тумани Янги ҳаёт ҚФЙ раиси | Бекобод тумани | ЎзЛиДеП вилоят Кенгаши |
| | Олимова Мухаббат Равшановна | 1962 | ЎзМТДП | ЎзМТДП Тошкент вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони бош ҳисобчиси | Тошкент шаҳри | ЎзМТДП вилоят Кенгаши |
| | Суванова Зоҳида Туллибековна | 1964 | Ўз "Адолат" СДП | Бекобод тумани Ўқувчилар ижодиёт маркази директори | Бекобод тумани | Ўз "Адолат" СДП вилоят Кенгаши |
| **18-Зафар** | Низаева Ибадатхан Салахидиновна | 1960 | ЎзХДП | Бекобод туман ҳокими ўринбосари, туман хотин-қизлар қўмитаси раиси | Бекобод тумани | ЎзХДП вилоят Кенгаши |
| | Рашидов Уткурбек Турабекович | 1980 | ЎзМТДП | Тошкент вилояти болалар спортини ривожлантириш жамғармаси директори | Тошкент шаҳри | ЎзМТДП вилоят Кенгаши |
| | Хатамов Фарход Эгамназарович | 1960 | ЎзЛиДеП | Бекобод тумани "Ширин" фермер хўжалиги раҳбари | Бекобод тумани | ЎзЛиДеП вилоят Кенгаши |
| | Шадиметов Камалжон | 1950 | Ўз «Адолат» СДП | Ўз «Адолат» СДП Тошкент вилоят Кенгаши раиси | Тошкент шаҳри | Ўз «Адолат» СДП вилоят Кенгаши |
| **19-Далварзин** | Азамов Муҳитдин Мухторович | 1962 | ЎзХДП | "Қишлоқхўжаликкимё" ҲЖ Бекобод туман филиали директори | Бекобод тумани | ЎзХДП вилоят Кенгаши |
| | Бегматов Нуриддин Сафарович | 1961 | ЎзЛиДеП | Бекобод тумани Далварзин ов хўжалиги директори | Бекобод тумани | ЎзЛиДеП вилоят Кенгаши |
| | Насимов Нумон | 1933 | Ўз "Адолат" СДП | "Нуроний" жамғармаси Тошкент вилояти бўлими раиси | Тошкент шаҳри | Ўз "Адолат" СДП вилоят Кенгаши |
| **20-Бўка** | Абдуллаев Неъматжон Озодович | 1967 | ЎзХДП | Бўка тумани ҳокими | Пискент тумани | ЎзХДП вилоят Кенгаши |
| | Аранжиев Абдужаббор Абдугафурович | 1962 | Ўз "Адолат" СДП | Бўка тумани Агросаноат КҲК директори | Бўка тумани | Ўз "Адолат" СДП вилоят Кенгаши |
| | Рахмонова Нихола Пармонқуловна | 1965 | ЎзМТДП | Тошкент вилояти, Бўка тумани ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси | Бўка тумани | ЎзМТДП вилоят Кенгаши |
| **21-Бўстон** | Аҳмедов Одилжон Омонович | 1968 | ЎзЛиДеП | Бўка тумани "Истиқлол" деҳқон бозори раҳбари | Бўка тумани | ЎзЛиДеП вилоят Кенгаши |
| | Жўраев Усмон Тошпўлатович | 1952 | ЎзМТДП | Бўка туманидаги 8-мактаб директори | Бўка тумани | ЎзМТДП вилоят Кенгаши |
| | Сайдуллаев Сайдислом Хабибуллаевич | 1965 | ЎзХДП | Тошкент вилояти Чорва озуқаси бош бирлашмаси раҳбари | Бўка тумани | ЎзХДП вилоят Кенгаши |
| | Холиқова Мўътабар Орифовна | 1960 | Ўз "Адолат" СДП | Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси Бўка туман бўлими бошлиғи | Бўка тумани | Ўз "Адолат" СДП вилоят Кенгаши |
| **22-Ғазалкент** | Аширова Халима Мирсиддиқовна | 1961 | ЎзЛиДеП | Бўстонлиқ тумани "Марғуба" хусусий фирмаси раҳбари | Бўстонлиқ тумани | ЎзЛиДеП вилоят Кенгаши |
| | Каримов Мухамадали Абдуганиевич | 1946 | ЎзХДП | "Тошвилтранс" автомобилда юк ва йўловчи ташиш ҳудудий уюшмаси раиси | Тошкент шаҳри | ЎзХДП вилоят Кенгаши |
| | Касимов Даврон Кобилович | 1985 | Ўз «Адолат» СДП | «Камолот» ЁИҲ Тошкент вилоят бўлими Кенгаши бўлим мудири | Зангиота тумани | Ўз «Адолат» СДП вилоят Кенгаши |
| **23-Искандар** | Максумов Машраб Салижанович | 1957 | ЎзЛиДеП | Бўстонлиқ туманидаги "Спорт плюс беш бола" МЧЖ раҳбари | Бўстонлиқ тумани | ЎзЛиДеП вилоят Кенгаши |
| | Тўрахўжаев Комилжон Норхўжаевич | 1959 | ЎзМТДП | "Бўстонлиқ деҳқон бозори" МЧЖ раҳбари | Бўстонлиқ тумани | ЎзМТДП вилоят Кенгаши |
| | Файзиева Сайёра Мавляновна | 1962 | ЎзХДП | Тошкент вилояти ҳокими ўринбосари, вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси | Бўстонлиқ тумани | ЎзХДП вилоят Кенгаши |
| **24-Чорбоғ** | Бадалов Ёлқин Ахтамович | 1968 | Ўз "Адолат" СДП | Халқ банкининг Бўстонлиқ туман филиали бошқарувчиси | Бўстонлиқ тумани | Ўз "Адолат" СДП вилоят Кенгаши |
| | Рустамов Бахром Кучкарович | 1958 | ЎзМТДП | Бўстонлиқ тумани тиббиёт бирлашмаси бош шифокори | Бўстонлиқ тумани | ЎзМТДП вилоят Кенгаши |
| | Султанов Бахтиёр Сабирджанович | 1964 | ЎзХДП | Бўстонлиқ тумани ҳокими | Тошкент шаҳри | ЎзХДП вилоят Кенгаши |
| | Тойчиева Нигора Мирсаитовна | 1973 | ЎзЛиДеП | Бўстонлиқ туманидаги "Пойтахт" адвокатлик фирмаси адвокати | Бўстонлиқ тумани | ЎзЛиДеП вилоят Кенгаши |
| **25-Назарбек** | Иргашев Анвар Камолович | 1958 | ЎзМТДП | Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Зангиота туман Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси | Зангиота тумани | ЎзМТДП вилоят Кенгаши |
| | Исабоев Акмалжон Тешабоевич | 1963 | ЎзЛиДеП | Зангиота тумани ҳокими | Тошкент шаҳри | ЎзЛиДеП вилоят Кенгаши |
| | Йўлчиев Ҳамидулла Хикматович | 1960 | ЎзХДП | Зангиота тумани "Иттифоқ мева сабзавотлари" агросаноат фирмаси раҳбари | Зангиота тумани | ЎзХДП вилоят Кенгаши |
| | Қорахўжаев Хамидхон Холматович | 1957 | Ўз "Адолат" СДП | Зангиота туман Қурилиш ва тадбиркорлик КҲК директори | Зангиота тумани | Ўз "Адолат" СДП вилоят Кенгаши |
| **26-Эшонгузар** | Бердикулова Дилрабо Холмуминовна | 1974 | ЎзМТДП | Зангиота туманидаги 14-мактаб директори ўринбосари | Зангиота тумани | ЎзМТДП вилоят Кенгаши |
| | Исламов Аманулла Шариатович | 1947 | ЎзЛиДеП | ЎзЛиДеП Тошкент вилоят Кенгаши раиси, Тошкент шаҳар "Енгил металл қурилмалари заводи" ОАЖ техник директори | Тошкент шаҳри | ЎзЛиДеП вилоят Кенгаши |
| | Набиева Якут Махаматовна | 1954 | ЎзХДП | Зангиота тумани 13-мактаб директори | Тошкент шаҳри | ЎзХДП вилоят Кенгаши |
| | Худойбердиева Лола Тургуновна | 1952 | Ўз "Адолат" СДП | Зангиота туман Қурилиш ва тадбиркорлик КҲК ўқитувчиси | Зангиота тумани | Ўз "Адолат" СДП вилоят Кенгаши |
| **27-Ўзгариш** | Аҳмедов Баходир Маджитович | 1973 | Ўз "Адолат" СДП | Тошкент вилояти Маданият ва спорт ишлари бошқармаси бошлиғи | Тошкент шаҳри | Ўз "Адолат" СДП вилоят Кенгаши |
| | Йўлдошев Азизжон Эргаш ўғли | 1975 | ЎзМТДП | Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати раҳбарияти ҳузуридаги котибият референти | Зангиота тумани | ЎзМТДП вилоят Кенгаши |
| | Нурматов Якубджан Рахимджанович | 1964 | ЎзЛиДеП | Зангиота тумани «Ўзгариш Садаф агро» МЧЖ ММТП раҳбари | Зангиота тумани | ЎзЛиДеП вилоят Кенгаши |
| | Сулаймонов Абролжон Ғофурович | 1965 | ЎзХДП | Зангиота тумани Хонобод ҚФЙ раиси | Зангиота тумани | ЎзХДП вилоят Кенгаши |
| **28-Ўртаовул** | Тошмухамедова Лола Зокировна | 1962 | ЎзМТДП | "Тошкенттелеком" Зангиота туман боғламаси бошлиғи | Зангиота тумани | ЎзМТДП вилоят Кенгаши |
| | Тулаганова Мухая Мирза-Алиевна | 1946 | ЎзХДП | Тошкент вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси | Тошкент шаҳри | ЎзХДП вилоят Кенгаши |
| | Умурзоқова Нодира Ғофуржоновна | 1967 | Ўз "Адолат" СДП | Зангиота тумани 43-мактаб директори | Зангиота тумани | Ўз "Адолат" СДП вилоят Кенгаши |
| | Юнусматов Илхом Холмахаматович | 1962 | ЎзЛиДеП | Зангиота тумани Ўртаовул ҚФЙ раиси | Зангиота тумани | ЎзЛиДеП вилоят Кенгаши |
| **29-Ўнқўрғон** | Абдужалилова Шоира Абдумажитовна | 1960 | ЎзХДП | ТошДАУ қошидаги табиий фанларга ихтисослашган мактаб директори | Тошкент шаҳри | ЎзХДП вилоят Кенгаши |
| | Алимов Лутфулла Ристыллаевич | 1978 | ЎзМТДП | Тошкент вилояти ўсимликлар карантини Давлат инспекцияси бошлиғи | Қибрай тумани | ЎзМТДП вилоят Кенгаши |
| | Хаитов Олимжон Шарипович | 1960 | ЎзЛиДеП | Қибрай тумани "Солих" фермер хўжалиги раҳбари, ЎзЛиДеП Қибрай туман Кенгаши раиси | Қибрай тумани | ЎзЛиДеП вилоят Кенгаши |
| | Шайхов Бахтиёр Эркинович | 1959 | Ўз "Адолат" СДП | "Афсар компанияси ЛТД" ҚК бош директори | Тошкент шаҳри | Ўз "Адолат" СДП вилоят Кенгаши |
| **30-Чинобод** | Лутфуллаев Изатилла Рахматович | 1982 | ЎзМТДП | Олмалиқ шаҳар "JURABEK LABORATORIES" қўшма корхонаси МЧЖ бош юристи | Тошкент шаҳри | ЎзМТДП вилоят Кенгаши |
| | Мирахмедов Гайрат Джураевич | 1962 | ЎзЛиДеП | "ЎзТошГРЭС қурилиш" корхонаси раҳбари | Қибрай тумани | ЎзЛиДеП вилоят Кенгаши |
| | Мухамедов Нигмат Исраилович | 1960 | ЎзХДП | Қибрай тумани ҳокими | Тошкент тумани | ЎзХДП вилоят Кенгаши |
| | Рустамова Нигора Сахибжановна | 1971 | Ўз "Адолат" СДП | Тошкент вилояти "Қизил ярим ой" жамияти Кенгаши раиси | Қибрай тумани | Ўз "Адолат" СДП вилоят Кенгаши |
| **31-Янгиобод** | Расулов Вахид Раупович | 1959 | ЎзХДП | "Ўзбекгеофизика" ОАБ бошқарув раиси ўринбосари | Қибрай тумани | ЎзХДП вилоят Кенгаши |
| | Раупова Нодира Бахрамовна | 1969 | Ўз "Адолат" СДП | Тошкент Давлат аграр университети доценти | Тошкент шаҳри | Ўз "Адолат" СДП вилоят Кенгаши |
| | Хусанов Отабек Нишонович | 1976 | ЎзЛиДеП | Ўзбекистон Фермер хўжаликлари уюшмаси котибияти мудири | Тошкент шаҳри | ЎзЛиДеП вилоят Кенгаши |
| **32-Байтқўрғон** | Махмадалиев Бахтиёр Хасанович | 1964 | ЎзХДП | "Бўстон" сиҳатгоҳи раҳбари | Қибрай тумани | ЎзХДП вилоят Кенгаши |
| | Убайдуллаев Фарход Бахтияруллаевич | 1978 | ЎзМТДП | Юқоричирчиқ туманидаги "Автомагистрал" ихтисослашган йўл қурилиш-таъмирлаш давлат бирлашмаси етакчи мутахассиси | Тошкент шаҳри | ЎзМТДП вилоят Кенгаши |
| | Усманова Дилбар Саидмахмудовна | 1960 | ЎзЛиДеП | Қибрай туманидаги "Умид гулшани" МЧЖ санаторийси директори | Тошкент шаҳри | ЎзЛиДеП вилоят Кенгаши |

| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | Халдаров Фахруддин Юлдашевич | 1965 | Ўз "Адолат" СДП | Қибрай тумани "Ватанпарвар" МКТ директори, Ўз "Адолат" СДП Қибрай туман Кенгаши раиси | Қибрай тумани | Ўз "Адолат" СДП вилоят Кенгаши |
| **33-Дўстобод** | Абдуллаев Ахмед Кулумбетович | 1970 | ЎзЛиДеП | Қуйичирчиқ тумани "Қулмуҳаммад Абдулла Умар" фермер хўжалиги раҳбари | Тошкент шаҳри | ЎзЛиДеП вилоят Кенгаши |
| | Буранов Мирза | 1951 | Ўз "Адолат" СДП | Қуйичирчиқ тумани Қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлиғи ўринбосари, Ўз "Адолат" СДП Қуйичирчиқ туман Кенгаши раиси | Қуйичирчиқ тумани | Ўз "Адолат" СДП вилоят Кенгаши |
| | Назарова Нилуфар Шакировна | 1969 | ЎзХДП | Қуйичирчиқ тумани кўп тармоқли поликлиникаси мудири | Қуйичирчиқ тумани | ЎзХДП вилоят Кенгаши |
| **34-Ўзбекистон** | Турагалов Эркин Джураевич | 1970 | ЎзЛиДеП | Қуйичирчиқ туманидаги "Турагалов Жўра" фермер хўжалиги раҳбари | Қуйичирчиқ тумани | ЎзЛиДеП вилоят Кенгаши |
| | Тургунов Нуритдин Кутиевич | 1961 | ЎзХДП | Қуйичирчиқ тумани ҳокими | Ўртачирчиқ тумани | ЎзХДП вилоят Кенгаши |
| | Шадманов Гаппар Усманович | 1964 | ЎзМТДП | Қуйичирчиқ тумани Агросаноат КҲК директори | Қуйичирчиқ тумани | ЎзМТДП вилоят Кенгаши |
| **35-Олимкент** | Исмоилова Санахат Мусабековна | 1953 | ЎзМТДП | Оққўрғон тумани "Аччи" ҚФЙ маслаҳатчиси | Оққўрғон тумани | ЎзМТДП вилоят Кенгаши |
| | Мирзакулов Шухрат Уматкулович | 1967 | ЎзЛиДеП | "Паркент-Қорасув" ирригация тизими бошқармаси Оққўрғон туман бўлими бошлиғи | Оққўрғон тумани | ЎзЛиДеП вилоят Кенгаши |
| | Тўрақулов Мирзақул Арзиқулович | 1954 | Ўз "Адолат" СДП | Оққўрғон тумани Керайит МФЙ оқсоқоли | Оққўрғон тумани | Ўз "Адолат" СДП вилоят Кенгаши |
| | Умиров Рахимжон Рахманкулович | 1960 | ЎзХДП | Оққўрғон тумани "Акмал" хусусий фирмаси директори, "Азизбек Умр" фермер хўжалиги раҳбари, Ўзбекистон ХДП Оққўрғон туман Кенгаши раиси | Тошкент шаҳри | ЎзХДП вилоят Кенгаши |
| **36-Оққўрғон** | Рўзиев Эркин Йўлбарсович | 1958 | ЎзМТДП | Оққўрғон тумани 34-мактаб директори | Оққўрғон тумани | ЎзМТДП вилоят Кенгаши |
| | Тожибоев Саидахмад Чимпўлатович | 1960 | Ўз "Адолат" СДП | Ўз "Адолат" СДП Оққўрғон туман Кенгаши раиси | Оққўрғон тумани | Ўз "Адолат" СДП вилоят Кенгаши |
| | Холматов Рустам Қурбонназарович | 1961 | ЎзЛиДеП | Тошкент вилояти ҳокими | Тошкент шаҳри | ЎзЛиДеП вилоят Кенгаши |
| | Холхўжаева Зулхумор Хасановна | 1958 | ЎзХДП | Оққўрғон тумани ДСЭНМ бош шифокори | Қуйичирчиқ тумани | ЎзХДП вилоят Кенгаши |
| **37-Қорахитой** | Ахмадхонова Махбубахон Исмоиловна | 1952 | ЎзХДП | Оҳангарон тумани 19-мактаб директори | Оҳангарон тумани | ЎзХДП вилоят Кенгаши |
| | Пулатова Гулчехра Абдихаликовна | 1962 | Ўз "Адолат" СДП | Оҳангарон туман "Гулчеҳра" фермер хўжалиги раиси, туман "Тадбиркор аёл" уюшмаси раиси | Оҳангарон тумани | Ўз "Адолат" СДП вилоят Кенгаши |
| | Умирзаков Шункар Умарович | 1959 | ЎзЛиДеП | Оҳангарон туман "Оҳангарон зарбдорлари" агрофирмаси раиси, ЎзЛиДеП Оҳангарон туман Кенгаши раиси | Оҳангарон тумани | ЎзЛиДеП вилоят Кенгаши |
| | Халтураева Барно Анарбаевна | 1959 | ЎзМТДП | Оҳангарон туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси | Оҳангарон тумани | ЎзМТДП вилоят Кенгаши |
| **38-Телов** | Касимов Абдулнасир Маматович | 1968 | ЎзХДП | ЎзХДП Тошкент вилоят кенгаши Ижроия Қўмитаси аъзоси, жамоатчилик асосида вилоят кенгаши раиси ўринбосари, "Автодом Плюс" МЧЖ раҳбари | Тошкент шаҳри | ЎзХДП вилоят Кенгаши |
| | Мунаваров Алимжан Мукарамович | 1961 | Ўз "Адолат" СДП | Оҳангарон туман "Юсуфхон" фермер хўжалиги раиси | Оҳангарон тумани | Ўз "Адолат" СДП вилоят Кенгаши |
| | Содиқова Дилрабо Хошимовна | 1970 | ЎзЛиДеП | Оҳангарон туманидаги "Телов Матлубот инвест" МЧЖ раҳбари | Оҳангарон шаҳри | ЎзЛиДеП вилоят Кенгаши |
| | Тухтаев Улугбек Кидиралиевич | 1974 | ЎзМТДП | Оҳангарон тумани "Нурובод" қишлоқ хўжалик ва иқтисодиёт КҲК директори | Ангрен шаҳри | ЎзМТДП вилоят Кенгаши |
| **39-Паркент** | Примов Шарифжон Хасанович | 1957 | ЎзЛиДеП | Паркент тумани марказий шифохонаси врач-жарроҳи | Паркент тумани | ЎзЛиДеП вилоят Кенгаши |
| | Тагаев Собиржон Абдукадирович | 1961 | Ўз "Адолат" СДП | Тошкент шаҳар Нотариал палатаси ижрочи директори | Тошкент шаҳри | Ўз "Адолат" СДП вилоят Кенгаши |
| | Тоиров Махмуджон | 1952 | ЎзХДП | Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими раиси, "Паркент тонги" газетаси муҳаррири | Паркент тумани | ЎзХДП вилоят Кенгаши |
| | Шерматов Фахриддин Хусниддинович | 1963 | ЎзМТДП | Паркент туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи | Паркент тумани | ЎзМТДП вилоят Кенгаши |
| **40-Бойқозон** | Адилов Миррахим Мирахматович | 1979 | ЎзЛиДеП | Паркент туманидаги "Бер-Ад" хусусий корхонаси раҳбари | Паркент тумани | ЎзЛиДеП вилоят Кенгаши |
| | Махкамов Муроджон Арипбович | 1985 | Ўз "Адолат" СДП | Паркент тумани "Камолот" ЁИҲ бўлими бош мутахассиси | Паркент тумани | Ўз "Адолат" СДП вилоят Кенгаши |
| | Турсунова Дилбар Мирганиевна | 1958 | ЎзМТДП | Паркент тумани "Тадбиркор аёл" уюшмаси раиси | Паркент тумани | ЎзМТДП вилоят Кенгаши |
| **41-Заркент** | Ахмедов Имом | 1950 | ЎзМТДП | Паркент туманидаги "Турсунхўжа" хусусий корхонаси раҳбари | Паркент тумани | ЎзМТДП вилоят Кенгаши |
| | Нурматов Дилмурот Турсунмуродович | 1954 | ЎзЛиДеП | Паркент тумани "Маҳалла" жамғармаси раиси | Паркент тумани | ЎзЛиДеП вилоят Кенгаши |
| | Сулаймонов Акбар Аскарович | 1960 | ЎзХДП | Паркент тумани ҳокими | Тошкент шаҳри | ЎзХДП вилоят Кенгаши |
| | Тураббаев Иброхим Тургунбаевич | 1975 | Ўз "Адолат" СДП | Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлар миллий ассоциацияси бош ҳисобчиси | Тошкент шаҳри | Ўз "Адолат" СДП вилоят Кенгаши |
| **42-Пискент** | Айматов Абдураим Абдуллаевич | 1963 | Ўз "Адолат" СДП | Пискент тумани ва Олмалиқ шаҳар Табиатни муҳофаза қилиш минтақавий қўмитаси раиси | Пискент тумани | Ўз "Адолат" СДП вилоят Кенгаши |
| | Зокирова Муқаддасхон Муротовна | 1960 | ЎзЛиДеП | Пискент тумани марказий касалхона поликлиникаси мудираси | Пискент тумани | ЎзЛиДеП вилоят Кенгаши |
| | Мирсоатова Матлуба Илхомовна | 1968 | ЎзХДП | Пискент тумани Бандликка кўмаклашувчи маркази директори | Пискент тумани | ЎзХДП вилоят Кенгаши |
| | Қурбонова Мархабо Адхамовна | 1956 | ЎзМТДП | Пискент тумани 1-мактаб директори | Пискент тумани | ЎзМТДП вилоят Кенгаши |
| **43-Кориз** | Ибрагимов Нематжон Умарович | 1963 | Ўз "Адолат" СДП | Олмалиқ "Аммофос-Максам" ОАЖ катта устаси | Пискент тумани | Ўз "Адолат" СДП вилоят Кенгаши |
| | Махкамов Дилшод Эргашбоевич | 1971 | ЎзМТДП | Олмалиқ шаҳридаги "Стар Надежда" тоғ-кон компанияси директори | Пискент шаҳри | ЎзМТДП вилоят Кенгаши |
| | Мирзаев Саврон Мусурмонович | 1964 | ЎзХДП | Пискент тумани "Турон Мирзаев" фермер хўжалиги раҳбари | Пискент тумани | ЎзХДП вилоят Кенгаши |
| | Мирмахмудов Мирвосит Мирмахмудович | 1966 | ЎзЛиДеП | Пискент тумани "Қосимов Махмуд" фермер хўжалиги раҳбари | Пискент тумани | ЎзЛиДеП вилоят Кенгаши |
| **44-Юнусобод** | Агзамов Сражитдин Ҳидоятович | 1952 | ЎзХДП | ЎзХДП Тошкент вилояти кенгаши раиси | Тошкент шаҳри | ЎзХДП вилоят Кенгаши |
| | Гафурова Мухаррам Халиловна | 1960 | ЎзЛиДеП | Келес шаҳар Қирариқ МФЙ маслаҳатчиси | Тошкент тумани | ЎзЛиДеП вилоят Кенгаши |
| | Юлдашева Феруза Иркиновна | 1963 | Ўз "Адолат" СДП | Тошкент вилояти 1-болалар сил сиҳатгоҳи бош врачи | Тошкент шаҳри | Ўз "Адолат" СДП вилоят Кенгаши |
| **45-Келес** | Зарипов Шухрат Джалалович | 1965 | ЎзХДП | Тошкент вилояти "Электр тармоқлари" АЖ бошқаруви раиси | Тошкент тумани | ЎзХДП вилоят Кенгаши |
| | Талипов Равшан Раимжанович | 1978 | Ўз "Адолат" СДП | Ўз "Адолат" СДП Тошкент вилоят Кенгаши раиси ўринбосари | Тошкент шаҳри | Ўз "Адолат" СДП вилоят Кенгаши |
| | Ташпулатов Хурматилла Нигматович | 1959 | ЎзЛиДеП | Тошкент тумани "Хурматилла файз барака" фермер хўжалиги раиси | Тошкент шаҳри | ЎзЛиДеП вилоят Кенгаши |
| **46-Қизғалдоқ** | Инагамов Аёзджон Ахмаджанович | 1972 | Ўз "Адолат" СДП | Тошкент тумани Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раиси, Ўз "Адолат" СДП Тошкент туман Кенгаши раиси | Тошкент тумани | Ўз "Адолат" СДП вилоят Кенгаши |
| | Мирзахалилов Мурат Мирзарасулович | 1950 | ЎзМТДП | Тошкент туманидаги Зоирхон Жалилов МФЙ раиси | Тошкент тумани | ЎзМТДП вилоят Кенгаши |
| | Нурматов Олимжон Рахимжонович | 1967 | ЎзХДП | Тошкент тумани ҳокими | Зангиота тумани | ЎзХДП вилоят Кенгаши |
| | Шарахимова Назокат Асамиддиновна | 1980 | ЎзЛиДеП | Тошкент тумани маънавият-тарғибот гуруҳи раҳбари | Тошкент тумани | ЎзЛиДеП вилоят Кенгаши |
| **47-Қумовул** | Абдужалилов Абдухамит Заманович | 1964 | Ўз "Адолат" СДП | "Ўзерлойиҳа" институти бош мутахассиси | Ўртачирчиқ тумани | Ўз "Адолат" СДП вилоят Кенгаши |
| | Атакулова Қурбанбуви Абдуллаевна | 1953 | ЎзХДП | Ўртачирчиқ тумани "Қутб юлдузи" МФЙ маслаҳатчиси | Ўртачирчиқ тумани | ЎзХДП вилоят Кенгаши |
| | Зиявидинова Хакима Тухтасиновна | 1951 | ЎзЛиДеП | Ўртачирчиқ туман фермерлар уюшмаси раҳбари,"З. Хакима" фермер хўжалиги раиси | Ўртачирчиқ тумани | ЎзЛиДеП вилоят Кенгаши |
| | Кариева Мунира Джураевна | 1957 | ЎзМТДП | Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати | Тошкент шаҳри | ЎзМТДП вилоят Кенгаши |
| **48-Қорасув** | Абдижабаров Фуркат Абдирахманович | 1965 | ЎзХДП | Ўзбекистон ХДП Ўртачирчиқ туман Кенгаши раиси | Ўртачирчиқ тумани | ЎзХДП вилоят Кенгаши |
| | Кусаева Муқаддас Азимовна | 1960 | ЎзЛиДеП | Ўртачирчиқ туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи ўринбосари – Ўртачирчиқ туман марказий поликлиникаси мудири | Ўртачирчиқ тумани | ЎзЛиДеП вилоят Кенгаши |
| | Сайфуллин Ильдар Наилович | 1951 | ЎзМТДП | Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Ўртачирчиқ туман Кенгаши раиси | Ўртачирчиқ тумани | ЎзМТДП вилоят Кенгаши |
| | Шарипов Юнусхон Турсунович | 1955 | Ўз "Адолат" СДП | Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари ёрдамчиси | Тошкент шаҳри | Ўз "Адолат" СДП вилоят Кенгаши |
| **49-Тўйтепа** | Позилов Мирзокир Мирдовлатович | 1963 | ЎзЛиДеП | Ўртачирчиқ тумани "Матлуботинвест" раҳбари | Ўртачирчиқ тумани | ЎзЛиДеП вилоят Кенгаши |
| | Сафарова Зарнигора Бегамовна | 1979 | Ўз "Адолат" СДП | Ўртачирчиқ тумани "Евро эксклюзив" қурилиш-таъмирлаш корхонаси директори | Тошкент шаҳри | Ўз "Адолат" СДП вилоят Кенгаши |
| | Хакимов Талип Адилович | 1964 | ЎзМТДП | Ўртачирчиқ тумани "Машъал" газетаси катта мухбири | Ўртачирчиқ тумани | ЎзМТДП вилоят Кенгаши |
| | Шералиев Рахматилла | 1952 | Партиясиз | Тошкент вилояти "Маҳалла" хайрия жамғармаси раиси | Қибрай тумани | ЎзХДП вилоят Кенгаши |
| **50-Истиқлол** | Ахмедов Шухрат Тўлқунович | 1970 | ЎзХДП | Ўртачирчиқ тумани "Мадониз" фермер хўжалиги раҳбари | Тошкент шаҳри | ЎзХДП вилоят Кенгаши |
| | Бабажанов Рустам Джураевич | 1961 | ЎзМТДП | Ўртачирчиқ тумани Саноат ва сервис КҲК директори | Ўртачирчиқ тумани | ЎзМТДП вилоят Кенгаши |
| | Раджапов Рахматулла Хожимуратович | 1957 | Ўз "Адолат" СДП | "Маҳалла" хайрия жамғармаси Ўртачирчиқ тумани раиси, Ўз "Адолат" СДП Ўртачирчиқ туман Кенгаши раиси | Ўртачирчиқ тумани | Ўз "Адолат" СДП вилоят Кенгаши |
| | Юсупов Мансуржон | 1955 | ЎзЛиДеП | Ўртачирчиқ туманидаги "Тўйтепа металл қурилмалари" ОАЖ бошқаруви раиси | Тошкент шаҳри | ЎзЛиДеП вилоят Кенгаши |
| **51-Чиноз** | Ахмедова Мира Қорабековна | 1957 | Ўз «Адолат» СДП | Истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш жамияти Чиноз бўлими раиси | Чиноз тумани | Ўз «Адолат» СДП вилоят Кенгаши |
| | Бўриев Анвар Ахмедович | 1955 | ЎзЛиДеП | Чиноз туманидаги "Шохиста" фирмаси раҳбари | Чиноз тумани | ЎзЛиДеП вилоят Кенгаши |
| | Мансуров Тайирхон Темирович | 1950 | ЎзМТДП | Чиноз тумани 40-мактаб ўқитувчиси | Чиноз тумани | ЎзМТДП вилоят Кенгаши |
| | Палванова Азиза Баҳрамовна | 1958 | ЎзХДП | Чиноз тумани 14-сон мусиқа мактаби директори | Тошкент шаҳри | ЎзХДП вилоят Кенгаши |
| **52-Олмазор** | Аҳмедова Насиба Исмаиловна | 1970 | Ўз "Адолат" СДП | Чиноз тумани Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси бош мутахассиси, Ўз "Адолат" СДП Чиноз туман Кенгаши раиси | Чиноз тумани | Ўз "Адолат" СДП вилоят Кенгаши |
| | Нартураев Ориб Кадирович | 1959 | ЎзМТДП | Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси "Maxsus avtokorxona" давлат унитар корхонаси муҳандиси | Янгийўл шаҳри | ЎзМТДП вилоят Кенгаши |
| | Худайберганов Аҳмадали | 1953 | ЎзХДП | "33-ХМКК" МЧЖ бошқаруви раиси | Чиноз тумани | ЎзХДП вилоят Кенгаши |
| | Эрхожаев Муқим Хасанович | 1963 | ЎзЛиДеП | Чиноз тумани «Муқимий» фермер хўжалиги раҳбари | Чиноз тумани | ЎзЛиДеП вилоят Кенгаши |
| **53-Эски Тошкент** | Акромов Мирзаодил Холдарбоевич | 1963 | ЎзХДП | Чиноз тумани "Акромов М" фермер хўжалиги раҳбари | Чиноз тумани | ЎзХДП вилоят Кенгаши |
| | Дурумбетов Тўлқун Абдулхакович | 1956 | ЎзЛиДеП | Чиноз туман Халқ таълими бўлими мудири | Чиноз тумани | ЎзЛиДеП вилоят Кенгаши |
| | Ахмедова Сурайё Мирпизаловна | 1963 | ЎзМТДП | Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати | Чиноз тумани | ЎзМТДП вилоят Кенгаши |
| | Мухамадиева Нигора Махмаюсуповна | 1968 | Ўз "Адолат" СДП | Чиноз тумани "Пахта" ҚВП шифокори | Чиноз тумани | Ўз "Адолат" СДП вилоят Кенгаши |
| **54-Янгибозор** | Иногамов Акмалходжа Хатамович | 1969 | ЎзХДП | "Тошкентпахтасаноат" ҳудудий акциядорлик бирлашмаси раиси | Тошкент шаҳри | ЎзХДП вилоят Кенгаши |
| | Курбанова Ободхан Хасановна | 1960 | ЎзМТДП | Юқоричирчиқ тумани ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси | Юқоричирчиқ тумани | ЎзМТДП вилоят Кенгаши |
| | Умаров Гани Джолдасович | 1960 | ЎзЛиДеП | Юқоричирчиқ тумани "Умарота" фермер хўжалиги раиси | Юқоричирчиқ тумани | ЎзЛиДеП вилоят Кенгаши |
| | Эшонов Махмуджон Аҳмедович | 1967 | Ўз «Адолат» СДП | Юқоричирчиқ тумани қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлиғи | Тошкент шаҳри | Ўз «Адолат» СДП вилоят Кенгаши |
| **55-Бордонкўл** | Азизов Сарвар Мансурович | 1982 | ЎзМТДП | Қибрай тумани "MINOR QURILISH SERVIS" МЧЖ иқтисодчиси | Тошкент шаҳри | ЎзМТДП вилоят Кенгаши |
| | Пирматова Сафия Эргашевна | 1960 | ЎзЛиДеП | Юқоричирчиқ тумани ҳуқуқий маслаҳатхонаси адвокати | Юқоричирчиқ тумани | ЎзЛиДеП вилоят Кенгаши |
| | Холов Бахтиёр Шералиевич | 1957 | ЎзХДП | Тошкент вилояти Эндокринология диспансери бош шифокор ўринбосари | Юқоричирчиқ тумани | ЎзХДП вилоят Кенгаши |
| **56-Арганчи** | Ешимбетова Дамира Ашимовна | 1952 | ЎзЛиДеП | Туман Марказий шифохонаси бош шифокори | Тошкент шаҳри | ЎзЛиДеП вилоят Кенгаши |
| | Салимова Шарипа Ахметовна | 1953 | ЎзХДП | Юқоричирчиқ тумани Арганчи ҚФЙ "Усмонобод" МФЙ раиси | Юқоричирчиқ тумани | ЎзХДП вилоят Кенгаши |
| | Топилов Холдарбой | 1965 | Ўз "Адолат" СДП | Юқоричирчиқ тумани "Олтин куз бошоғи" биофабрикаси раҳбари | Паркент тумани | Ўз "Адолат" СДП вилоят Кенгаши |
| **57-А. Ортиқов** | Мияссарова Гульнора Латифовна | 1961 | Ўз "Адолат" СДП | Тошкент вилояти "Халқобод таъмирлаш устахонаси" МЧЖ раҳбари | Янгийўл тумани | Ўз "Адолат" СДП вилоят Кенгаши |
| | Хаиткулов Нариман Маматович | 1960 | ЎзМТДП | Янгийўл тумани ҳокими | Ўртачирчиқ тумани | ЎзМТДП вилоят Кенгаши |
| **58-Ниёзбош** | Ортиғалиев Мурод Нормахаматович | 1974 | ЎзХДП | Янгийўл тумани "Бинокор-М" ғишт ишлаб чиқариш корхонаси таъсисчиси | Янгийўл тумани | ЎзХДП вилоят Кенгаши |
| | Примкулов Кабилжон Хайдарович | 1960 | Ўз "Адолат" СДП | Янгийўл тумани Қуйи Бўзсув ГЭСи раҳбари | Янгийўл тумани | Ўз "Адолат" СДП вилоят Кенгаши |
| | Рахматуллаев Фахриддин Эшматович | 1958 | ЎзЛиДеП | "Тошкент нон шаҳри" хусусий ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари | Тошкент шаҳри | ЎзЛиДеП вилоят Кенгаши |
| **59-Гулбаҳор** | Касимов Рустам Салиевич | 1963 | ЎзХДП | Тошкент вилояти Агросаноат бошқармаси бошлиғи | Янгийўл тумани | ЎзХДП вилоят Кенгаши |
| | Маматқулова Қимматхон Махаматовна | 1965 | Ўз «Адолат» СДП | Янгийўл туман Халқ таълими бўлими услубчиси | Янгийўл тумани | Ўз «Адолат» СДП вилоят Кенгаши |
| | Махкамов Абдибахадир Кабирович | 1962 | ЎзЛиДеП | Янгийўл туманидаги "Айрус-плюс" хусусий адвокатлик фирмаси раҳбари | Янгийўл тумани | ЎзЛиДеП вилоят Кенгаши |
| | Казакбаев Алишер Алимбаевич | 1963 | ЎзМТДП | Янгийўл тумани Халқ таълими бўлими мудири | Янгийўл тумани | ЎзМТДП вилоят Кенгаши |
| **60-Шўралисой** | Азимов Анвар Ташканбаевич | 1966 | Ўз "Адолат" СДП | Янгийўл тумани "Ғайрат" МЧЖ раҳбари | Янгийўл тумани | Ўз "Адолат" СДП вилоят Кенгаши |
| | Жўрабоев Нажимидин | 1947 | ЎзМТДП | Янгийўл тумани 44-мактаб директори | Янгийўл тумани | ЎзМТДП вилоят Кенгаши |
| | Исмаилова Зулхумор Тулабовна | 1965 | ЎзХДП | Янгийўл тумани вояга етмаганлар билан ишлаш комиссияси масъул котиби | Янгийўл тумани | ЎзХДП вилоят Кенгаши |
| | Мавлянова Машкура Тешабаевна | 1960 | ЎзЛиДеП | ЎзЛиДеП Янгийўл туман Кенгаши раиси ўринбосари | Янгийўл тумани | ЎзЛиДеП вилоят Кенгаши |

**Вилоят сайлов комиссияси раиси** **У. АБДУШОҲИДОВ.**

Тошкент шаҳри, 2009 йил 22 ноябрь.

*Ийди Қурбон муборак!*

# МЕҲР-ОҚИБАТ ВА САХОВАТ АЙЁМИ

**Бугунги кунда юртимизда давлатимиз раҳбари Ислом Каримов раҳнамолигида эътиқод эркинлигини таъминлаш, миллий ва диний қадриятларни тиклаш ҳамда ривожлантириш, буюк аждодларимизнинг бой илмий, диний ва маданий меросини ўрганиш, муқаддас қадамжоларни таъмирлаш ва ободонлаштириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада мустаҳкам ҳуқуқий асослар яратилган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 31-моддасида белгиланганидек, ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динига эътиқод қилиш ҳуқуқига эга. Айни пайтда юртимизда 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари ўзаро аҳилликда яшаб келмоқда.**



Мустақиллик йилларида Имом Бухорий, Баҳоуддин Нақшбанд, Аҳмад Фарғоний, Имом Мотуридий, Бурҳониддин Марғиноний, Абдухолиқ Ғиждувоний, Ҳожа Аҳрор Валий сингари буюк бобокалонларимиз таваллуд тўйлари кенг нишонланди, табаррук масканлар, қадамжолар ободонлаштирилиб, файзли зиёратгоҳларга айлантирилди. Мамлакатимизда инсониятни бағрикенглик, поклик ва меҳр-оқибатга чорловчи муқаддас динимизни асрабавайлашга, ёш авлодни халқимизнинг миллий ва диний қадриятларига ҳурмат ва эҳтиром руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилаётир. Диний таълим тизимини такомиллаштириш, пухта билимга эга, соғлом фикрли мутахассисларни тайёрлаш доимий эътиборда.

Мамлакатимизда халқимизнинг миллий ва диний байрамларини муносиб нишонлаш анъанага айланган. Муҳтарам Президентимизнинг куни кеча "Қурбон ҳайитини нишонлаш тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ юртимизда ушбу муборак айёмни кўтаринки руҳда байрам қилиш тараддудидамиз. Қурбон ҳайити хайрли мақсад ва эзгу амал байрами. Айёмни мамлакатимизда меҳр-оқибат, катталарга ҳурмат, кичикларга иззат, ҳиммат ва саховат каби азалий анъаналаримиз янада мустаҳкамланаётган шароитда кўтаринки руҳда кутиб олаётганимиз қувонарлидир. Байрам муносабати билан юртимиздаги зиёратгоҳлар, муқаддас қадамжолар яна бир бор тартибга келтирилди. Уларнинг теварак-атрофи ободонлаштирилиб, зиёратчилар ташрифи учун янада яхшиланди.

Ҳайит кунларида ўзгалар кўмагига муҳтожлар, ёлғиз қариялар, боқувчисини йўқотган болалар, кам таъминланган оилаларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатишдек эзгу анъаналаримиз, айниқса, ёрқин намоён бўлади. Бундай хайрли амалларнинг барчаси юртдошларимиз ўртасида меҳр-оқибат ришталарининг янада мустаҳкамланишига хизмат қилади. Динимизнинг муҳим амаллардан бири – Ҳаж ибодатини адо этишга кенг йўл очилгани юртдошларимизнинг бу борадаги орзу-умидларини рўёбга чиқаришда муҳим омил бўлаётир. Истиқлол йилларида неча ўн минглаб юртдошларимиз муборак Ҳаж зиёратига бориб келиш шарафига муяссар бўлишди. Давлатимиз томонидан улар ибодатни эмин-эркин адо этиб, Ватанимизга соғ-саломат қайтиб келишлари учун барча шарт-шароит яратилмоқда. Мана шундай фазилатли кунларда бутун дунё мусулмонлари қатори 5 мингдан зиёд ватандошларимиз ҳам Ҳаж амалларини адо этишаётир.

Дарҳақиқат, юртимиздаги тинчлик-осойишталик, аҳиллик ва тотувлик жами эзгу ишларимизнинг рўёбга чиқишига, ҳар бир кунимиз файзли, хонадонларимиз чароғон, дастурхонимиз баракали бўлишига хизмат қилаётир. Шундай бароқатли кезларнинг нақадар азизлигини бугун барча юртдошларимиз юрак-юракдан ҳис этиб, юртимизда серфайз кунлар ҳамиша ҳукм суришини, халқимиз фаровонлиги янада зиёда бўлишини муборак Қурбон ҳайити кунларида алоҳида ният қилмоқда. Бундай фараҳбахш кунлар истиқлолимизнинг бизга ато этган энг буюк неъматларидандир.

**Абдураззоқ ҳожи ЮНУСОВ,**
**Ўзбекистон Мусулмонлар идораси раиси ўринбосари.**



**Малайзия пойтахти Куала-Лумпур шаҳрида Осиё футбол конфедерацияси (ОФК) томонидан 2009 йилги футбол мавсумининг турли номинациялари бўйича ғолибларни тақдирлаш мақсадида ташкил этилган тантанали маросимда ўзбекистонлик ФИФА рефериси Равшан Эрматов кетма-кет иккинчи марта қитъамизнинг "Энг яхши ҳакамӣ" деб эълон қилинди.**

# РАВШАН ЭРМАТОВ – ОСИЁНИНГ ЭНГ ЯХШИ ҲАКАМИ

Ўн саккизта номинациядан бирида иккинчи марта ғолиб, деб топилган Р. Эрматов бу галги рақобатда япониялик Юичи Нишимура ва австралиялик Мэтью Бризни ортда қолдирди. Бу соврин ОФК шафеълигида ташкил этиладиган футбол учрашувларини бошқарадиган ҳакамлар учун энг юксак эътирофдир.

"Энг яхши ҳакам" номинацияси ғолибини аниқлашда учрашувлар инспекторлари томонидан рефериларга қўйилган баҳо асос бўлди. Р. Эрматов йил давомида бошқарган учрашувларда ўртача 8,96 баллдан жамғарган ва бу қитъамиз ҳакамлари ўртасида энг юқори кўрсаткич сифатида қайд этилди.

Бундан ташқари, ОФК совринига даъвогар ҳакамларга учрашув давомида юзага келадиган мураккаб вазиятларда ўзини йўқотиб қўймаслик, футболчиларга нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлиш, футбол қоидаларини тўғри қўллаш каби талаблар ҳам қўйилган.

Р. Эрматов 2003 йилдан буён Халқаро футбол уюшмалари федерацияси – ФИФА таснифидаги учрашувларни бошқариб келади. 32 ёшли ўзбекистонлик ҳакам ўтган йили клублар ўртасидаги жаҳон чемпионатининг финал учрашувини, жорий мавсумда эса 2010 йилги жаҳон чемпионатининг саралаш босқичи ўйинлари ва Осиё чемпионлар лигаси беллашувларини юқори савияда бошқарди. Р. Эрматов яқинда Нигерияда ўсмирлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида ҳам тўртта учрашувда бош ҳакам вазифасини муносиб бажарди. Шунингдек, у келаси йили Жанубий Африка Республикасида ўтадиган жаҳон чемпионатига жалб қилиниши мумкин бўлган ўттиз саккиз нафар ҳакам рўйхатига киритилган.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,**
**ЎзА шарҳловчиси.**

## САЙҚАЛ ТОПАЁТГАН САНЪАТ

**Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик катта театрида "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ва бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида "Мавриги" деб номланган концерт бўлиб ўтди.**

Мавриги – мусиқа санъатининг қадимий Бухоро анъаналарига хос жанри бўлиб, XIX асрда кенг ривожланган. Туркум шаклда ижро этилувчи куй ва қўшиқлардан иборат ушбу жанр жозибадорлиги, жўшқин оҳангларга бойлиги билан эътиборни тортади. Юртимизда ушбу услубнинг айрим наво ва матнларини қайта тиклаш, тўплаш, куйларини маромига етказиб ижро этувчи халқ бадиий жамоалари фаолиятини қўллаб-қувватлаш, мусиқа тарихига оид китоб ва рисолаларни нашр этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

**ЎзА.**

*1 декабрь – Халқаро ОИТСга қарши кураш куни*

# ТАЛАБАЛАР БУ ҲАҚДА НИМА ДЕЙДИ?

**Ҳозирги кунда ОИВ инфекциясининг олдини олиш бўйича кўпгина тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилишига қарамай, у жаҳон миқёсида жуда тез тарқалмоқда. Бунинг сабаби нимада? ОИВ инфекциясини юқтириб олганлар қандай руҳий кечинмаларни бошидан кечиради?**



Улар руҳан эзилади, иложи борича касалини яширишга ҳаракат қилади, баъзилар эса жаҳлдор бўлиб қолишади. Чунки атрофдагилар билиб қолишса, уларга нисбатан муносабатлари ўзгаришини яхши билишади.

ОИВ инфекциясини юқтириб олганларга нисбатан одамларнинг муносабатларини аниқлаш мақсадида, коллеж талабаларига "Агар энг яқин ўртоғингиз ОИВ инфекциясини юқтириб олган бўлса, сиз унга қандай муносабатда бўласиз?" дея мурожаат қилинди. Улар қуйидагича жавоб беришди:

– Агар менинг ўртоғим шу касалга чалиниб қолса, мен ундан воз кечаман, ундан жирканаман.

– Агар дўстим ўз айби билан, яъни ножўя хатти-ҳаракатлари орқали юқтириб олган бўлса, ундан воз кечаман, нафратланаман. Агар билмасдан юқтириб олган бўлса, унга ёрдам қўлини чўзаман.

– Агар дўстим шундай вазиятга тушса, мен коллеж раҳбариятига айтиб, уни коллеждан четлатишни сўраган бўлардим, қанча нари бўлса шунча яхши.

– Агар дўстим ОИВ инфекциясини юқтириб олган бўлса, унга маслаҳат берардим, лекин у билан бирга юрмасдим, чунки у билан бирга юрсам атрофдагилар мени ҳам шу дардга чалинган деб ўйлайди.

Ҳақиқат шундаки, ҳозирги кунда бундай жавобларни, деярли ҳаммадан эшитиш мумкин. Айнан шундай муносабатлар ОИВ инфекциясининг тез тарқалишига олиб келмоқда.

ОИВ инфекциясини юқтириб олганларнинг жамиятда ўрнини сақлаб қолиши учун, уларга нисбатан ҳамжиҳатлик ва дўстона муносабатда бўлиш керак. Бу дардга чалинганлар ўзига бўлган ёмон муносабат туфайли касалини яширади.

Янгийўл туманидаги бир оилада аёлнинг турмуш ўртоғи жинсий йўл орқали ОИВ инфекциясини юқтириб олади. Шифокорлар бу хабарни ўз аёлига айтиш кераклигини ва шунингдек, бу касалликни турмуш ўртоғига юқтирмаслик чораларини қўллаши кераклигини уқтиради. Лекин, бу эркак турмуш ўртоғи билан ҳеч нарса бўлмагандек ҳаёт кечиради. Натижада, аёл ҳам ОИВ инфекциясини юқтириб олади.

Бунга ўхшаш мисоллар жуда кўп. Хулоса қилиб айтганда, одамлар ҳамжиҳат бўлиб, ОИВ инфекцияси тарқалишининг олдини олишга киришса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

**Фарида КОМИЛОВА,**
**Саломатлик ва тиббий статистика институти вилоят филиали нашриёт бўлими мудири.**

*Одам савдоси*

# АСЛИДА ЎЗИМИЗ САБАБЧИМИЗ

**Инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш масаласи давлатимиз сиёсатининг, миллий қонунчилик тизимининг асосини ташкил этади. Айниқса, жамият тараққиёти ва давлатлар ривожига жиддий хавф туғдираётган трансмиллий жиноятчиликка қарши курашишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, одам савдоси каби оғир жиноятдан қўрқмай, мўмай пул топиш дардида кўпларни инсоний бахтдан мосуво этаётганларга қарши кескин чора-тадбирлар қўлланмоқда.**



– Ҳой, эшитдингизми, фалончининг қизи йўқолиб қолган эди, қайтиб келибди, – дейди бир аёл ҳамроҳига. – Ўзи, онасининг қадам олиши нобоп эди-да. Шунинг учун ҳам қизи уйидан кетиб қолганди.

– Э, нималар деяпсиз? У қиз аллақачон шу йўлга тушиб бўлган. Тунов куни она-бола жанжаллашаётган экан, маҳалладагилар чиқиб, ажратиб қўйишибди.

– Нимасини айтасиз, териси қалин экан бу онанинг. Шивир-шивир гапларга қараганда, ўз қизини ўзи чет элга жўнатиб юборган эмиш, лекин қизининг хабари йўқ, шоҳона ҳаёт орзусида тузоққа илинганини билмаган-да.

Ҳа, бундай воқеалар онда-сонда бўлса ҳам учраб турибди. Жаҳолатнинг олдини олиш мақсадида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатларда аввало, республика Президентининг "Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори муҳим дастуриламалдир. Бу қарор асосида 2008-2010 йилларда одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш бўйича миллий тадбирлар режаси тасдиқланди, шунингдек, республика идоралараро комиссияси тузилди.

Комиссия мамлакатимизда ратификация қилинган "Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши курашиш тўғрисида"ги конвенциясини тўлдирувчи одам савдосининг, айниқса, аёллар ва болалар савдосининг олдини олиш ҳамда унга чек қўйиш ва бунинг учун жазолаш ҳақидаги протоколи асосида фаолият юритмоқда. Бу масалага кенг жамоатчилик жалб қилиниб, турли тадбирлар уюштирилмоқда, ёшларни бундай иллатлардан эҳтиёт қилиш чоралари кўрилмоқда. Бош Қомусимизнинг 26-моддасига мувофиқ, ҳеч ким зўравонликка, шафқатсизликка ёки инсон қадр-қимматини камситувчи бошқа тазйиқларга дучор этилиши мумкин эмас.

Ҳозирги кунда одам савдосининг олдини олишга қаратилган саъй-ҳаракатлар кескин кучайтирилди. Бу жиноят оқибатида жабр чекаётганларни аниқлаш, уларга зарур ёрдам кўрсатиш давом этмоқда. Бу борада ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида ўтказиладиган тарғибот-ташвиқот ишларининг аҳамияти каттадир.

**Жамила ҚОДИРОВА,**
**давлат нотариуси.**

*Долзарб мавзу*

# МЕЪЁРДА ҲИКМАТ КЎП



**Интернет ва мобиль телефоннинг яхши-ёмон томонлари хусусида айрим мулоҳазалар**

Бугун биз тез суръатлар билан ўзгариб бораётган ўта шиддатли ва мураккаб бир замонда яшамоқдамиз. Президентимиз таъкидлаганидек, ҳозирги пайтда ер юзининг қайси чеккасида қандай бир воқеа юз бермасин, одамларнинг бу ҳақда дунёнинг бошқа чеккасида зудлик билан хабар топиши ҳеч кимга сир эмас. Шитоб билан ривожланаётган мобиль телефон, онгу шууримизнинг, тафаккуримизнинг ривожига ривож, бойлигига бойлик қўшаётган интернетнинг тараққиёти ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Аммо, танганинг икки томони бўлганидек, замонавий техникадан фойдаланишда икки ҳол кўзга ташланмоқда. Мобиль телефон ва интернетдан фойдаланиш масаласида ҳам айримлар меъёрни бузиб қўймоқда.

Қўшним, математика ўқитувчиси қизиқ бир воқеани сўзлаб берди. "Уйда бажариш учун мураккаб вазифа берган эдим. Эртаси куни ҳамма ўқувчи масалани бир хилда – аъло даражада ишлаб келди. Уларга тасаннолар айтиб, навбатдаги вазифани топширдим. Буниси олдингисидан ҳам мураккаброқ эди. Уни ҳам бутун синф тўлатўкис амалга оширди. Бундай ҳол бир неча бор такрорлангач, бу "илғорлик"нинг сири нимада эканлиги билан қизиқдим. Маълум бўлишича, болалардан бири масалани ечар экан-да, қолганлари дарҳол "sms" орқали бир-биридан кўчириб оларкан".

Мобиль телефонлардан бундай фойдаланиш болаларни дангасаликка ундайдиган ҳолатлардан бири дейиш мумкин. Бундан ташқари, ўқувчининг чўнтагидаги телефон дарс пайтида жиринглаб, барчанинг эътиборини бўлишичи? Айрим ўқувчиларимиз телефонларига беҳаё суратлар, лавҳаларни кўчириб олиб, ўртоқларига кўз-кўз қилади. Шундай бўлгач, назаримда, мактабларда ўқувчиларнинг мобиль телефондан фойдаланишини тақиқлаш пайти келганга ўхшайди. Бундай чоранинг яхши жиҳати шундаки, ўқувчи зарур нарсани руҳан ва жисмонан ўзи ҳал қилади.

Дарҳақиқат, XXI аср кучли тараққиёт асри. Биз ундан орқада қолмаслигимиз керак. Бироқ, Абдулла Қаҳҳор айтганидек, атом қувватидан ўтин ёриш учун фойдаланмаслик лозим. Мобиль телефон ва интернетдан киши ўзи ҳамда жамият олдида турган катта-катта муаммоларни ҳал этиш учун фойдаланилса, айни муддао бўлади.

Замонавий ахборот майдони тобора жадаллашиб бораётган айни дамларда бизга интернет жуда керак. Бусиз асримизни тасаввур қилиб бўлмайди.

Интернетнинг дилларни ёруғ, билимга билим қўшадиган томонлари кўп. Айниқса, "ZiyoNet"нинг яхши ишлари ҳақида гапириш ўринли. Яқинда бу тармоқнинг тўққиз ойлик якунига бағишланган марафонда иштирок этдим. Етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган ҳамюртларимизнинг зиёга интилишидан қувондим. Университет талабалари, олий ўқув юртларининг ўқитувчилари, мактаб ўқувчилари, тадбиркор аёллар ўзлари яратган янгилик, топган кашфиётлари билан "ZiyoNet" хазинасини бойитишга ҳисса қўшиб келаётир. Уларнинг кўпларига бу борада эришаётган муваффақиятлари, қилаётган янгиликлари учун мукофотлар берилди. Тақдирланганларни чин дилдан табрикладик. Мамлакатимизда интернет тармоғи изчил юксалиш йўлидан бораётганлигига яна бир ишонч ҳосил қилдик.

ЮНЕСКОнинг "Курьер" журнали йигирма беш тилда чиқади. Уни мунтазам ўқиб бораман. Журналда қизиқ мавзуга кўзим тушди. Унда дунё бўйича қайси мамлакатда болалар телевизорни кўп кўришига оид таҳлилий материал берилган экан. Таъкидланишича, ривожланган давлатларда, жумладан, Европа, Америка, Осиёнинг баъзи бир мамлакатларида телевизор жуда кам кўрилади. Африка, Лотин Америкаси мамлакатларида эса болалар кунига ўн олти соатгача телевизор қаршисида ўтиради. Шу боис уларнинг руҳий, ақлий такомили яхши ривожланмайди. Бундан ташвишга тушган БМТнинг Болалар жамғармаси ўз олдига мазкур мамлакатларга телевизор томошалари, ахборот меъёрини чегаралашни тавсия қилган.

Хориждан кириб келаётган жангари фильмлар, ҳар хил кийим-кечаклар орқали чет эл нуқтаи назари, бегона мафкура ҳам кириб келмоқда.

Юртбошимиз "Юксак маънавият – енгилмас куч" асарида алоҳида таъкидлаганидек, "ҳозирги вақтда ахлоқсизликни маданият деб билиш ва аксинча, асл маънавий қадриятларни менсимасдан, эскилик сарқити деб қараш билан боғлиқ ҳолатлар бугунги тараққиётга, инсон ҳаёти, оила муқаддаслиги ва ёшлар тарбиясига катта хавф солмоқда ва кўпчилик бутун жаҳонда бамисоли бало-қазодек тарқалиб бораётган бундай хуружларга қарши курашиш нақадар муҳим эканини англаб олмоқда." Шу боис четдан кириб келаётган бундай диверсияларга қарши ўзимизнинг юксак миллий қадриятларимизни ривожлантирмоғимиз лозим.

**Худойберди ТЎХТАБОЕВ,**
**Ўзбекистон халқ ёзувчиси.**
**(ЎзА).**

**Рассом ҳангоси**



– Кузда балиқ овлашнинг гашти бошқача-да.
Осимхон ВОСИХОНОВ чизган расм.

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 19 июндаги "Деворбоп материаллар ишлаб чиқаришни кўпайтиришни рағбатлантириш ва сифатини яхшилаш борасида қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорининг 3-бандига мувофиқ пишган ғишт ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан солиқ имтиёзлари ва преференциялар қўллаш тартиби тўғрисида Низом ишлаб чиқилган.**

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲУДУДИДАГИ ПИШГАН ҒИШТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИЛАН ШУҒУЛЛАНУВЧИ ТАДБИРКОРЛАР ДИҚҚАТИГА:**

Юқоридаги кўрсатилган Низом бўйича барча саволларга тушунтириш олиш учун "Ўздавнефтгазинспекция"сининг Тошкент вилоят ҳудудий бўлимига (Тошкент шаҳри, Ҳабиб Абдуллаев кўчаси, 32-А уй, тел.: 267-84-89. Электрон манзил: ndi@uzpak.uz. Интернет манзил: www.ndi.uzpak.uz./) мурожаат қилиш мумкин.

ЧП "ZOIR-DENTA" (ИНН 205696329, ОКОНХ 91514, ОКПО 20227409) гувохнома № 000888-05 от 30.05.2005 г., зарегистрированный отделом государственной регистрации субъектов предпринимательства хокимията Собир Рахимовского района г. Ташкента, расположеного по адресу: Турсунбоев 3-пр., д. 81, **ЛИКВИДИРУЕТСЯ** (решение № 12 от 26.11.2009 г.)

Претензии принимаются в течение 2-х месяцев со дня опубликования объявления.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис:
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Телефонлар:
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 236-55-54.
Эълонлар: 236-55-03, 236-53-54.

Манзилимиз:
100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармаси томонидан 2006 йил 18 декабрда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир Жўра САЪДУЛЛАЕВ
Навбатчи Хуршида НАЗАРОВА
Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Нашр индекси – 205. Буюртма Г-1040. Адади 4177. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

(Т) белгили материаллар – тижорат материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 00.10. 2 3 4 5